ШАХСДА ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

Н. Мажидов
ЎзМУ доценти

Ж. Мажидов
Жиззах ДПИ катта ўқитувчиси

А. Муминов
Жиззах ДПИ катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ижтимоий фаоллик - шахс фаолиятининг муҳим томонларидан биридир. У шахснинг жамият ва жамоат ишларидаги иштирокида намоён бўлади, сиёсий ва ахлоқий ўзликни англаши асосланади. Мақолада шахс ижтимоий фаоллигининг шаклланиш йўллари ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: фаоллик, ижтимоий фаоллик, маънавият, қизиқиш, амалиёт.

METHODS OF FORMATION OF PERSONAL SOCIAL ACTIVITY

N. Majidov
Associate Professor of National University of Uzbekistan

J. Majidov
Senior teacher of Jizzakh State Pedagogical Institute

A. Muminov
Senior teacher of Jizzakh State Pedagogical Institute

ABSTRACT

Social activity is one of the main aspects of an individual’s activity. It manifests itself in its old fashion, based on political and moral self-awareness. From this point of view, the article reveals knowledge about the formation of the social activity of the individual.

Key words: activity. social activity, spirituality, interest, practice

КИРИШ

Хар қандай ижтимоий жамиятда ёш авлод таълим-тарбияси муайян мақсад асосида ташкил этилади. Таълим- тарбиянинг мақсади ижтимоий жамият тараққиёти, унинг ривожланиш йўналиши, ижтимоий муносабатлар мазмунидан келиб чиқиб белгиланади. Бугунги кунда Ўзбекистон Респуб- ликасида ташкил этилаётган таълим-тарбиянинг асосий мақсади комил инсонни тарбиялаб вояга етказишдан иборат.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг фармон, асар ва нутқлари[1], Вазирлар Махкамаси ҳужжатлари, Олий ва ўрта махсус таълими, Халқ таълими тизимининг қатор ҳужжатларининг мазмуни бу борада амалга оширилаётган барча ишларнинг қонуний ва концептуал асослари бўлиб, бу ғояларни амалга ошириш жараёнида ўқитувчи-кадрлар муҳим роль ўйнайдилар.

Ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида қўлланиладиган ўқитиш шаклларининг педагогик- психологик асосларини, психодиагностика усул-ларидан фойдаланиши, ўқитиш шаклларида ўкитиш методлари ва воситаларидан ўринли фойдалана олишни, таълим мазмуни, методлари, воситалари ва шаклларининг уйғунлиги, узвийлигини таъминлай олишни, педагогик ва ахборот технологияларини қўллашнинг назарий асосларини билиши лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, шахсни тарбиялаш иши ниҳоятда мураккаб жараён ҳисобланади. Мазкур ҳолат ёш авлод тарбияси, унинг ташкил этиш мазмуни нафақат шахс камолоти, балки жамият тараққиётини ҳам белгилашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини англатади.

Дархақиқат, келажак бугундан бошланади. Ёшларнинг билим олиши, ҳар томонлама етук шахслар бўлиб етишиши учун барча шароитлар яратилган.

Бу назарий жиҳатдан эгалланган билимларни амалиётга тадбик этиш натижасида шаклланадиган фаоллик борасида фикр-мулоҳаза юритишни мақсад қилиб қўйдик.

Ижтимоий фаоллик - шахс фаолиятининг муҳим томонларидан биридир. У шахснинг жамият ва жамоат ишларидаги иштирокида намоён бўлади, маълум даражада сиёсий ва ахлокий ўзликни англашга асосланади[2,3].

Ижтимоий фаолликни тарбиялаш - бу нафақат жамоат ишларида иштирок этиш даражасининг ошиши, балки ёшларнинг ахлоқий йўналганлигини аникловчи мотивларнинг шаклланиши ҳамдир.

Талабалар жамоаси ва уннинг хар бир аъзосида жамият ва замон талабларига жавоб берадиган ижтимоий муносабат - тажриба тўплашни шакллантириш - бу фаолликнинг асосий педагогик - психологик шарт шароитлари қисобланади.

Ўзбекистон Миллий университети “Психология” кафедраси аъзолари талабаларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган тадқиқот олиб бордилар.

Тадқиқот икки боскичда олиб борилди. Тадқиқотнинг биринчи босқичида

талабалар нинг умумуниверситет микёсида жамоат ишларидаги иштироки ва турли хилдаги топшириқларни бажаришга муносабати ўрганилди.

Иккинчи боскичда эса талабаларнинг ўзи ўқийдиган гуруҳдаги фаоллик даражаси ўрганилди.

НАТИЖАЛАР

Тадқиқот натижалари шуни курсатдики, биринчи курс талабаларининг аксарияти асосан фақатгина буюрилган жамоат ишларида иштирок этар экан. Буни биринчи курс талабаларининг ҳали олий таълимга тўла мослашмаганлиги, уларда мослашув жараёни кетаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Иккинчи ва асосан учинчи, тўртинчи курс талабалари жамоат ишларида иштирок этади, ташаббус кўрсатади ва фанларни аълога ўзлаштиради. Яна шуни таъкидлаш керакки, айрим талабалар ҳеч қандай жамоат ишларини олиб бормайди. Бу кўрсатгичларга янада аниклик киритиш мақсадида анкета, иншо, якка ва жамоавий суҳбат методлари ёрдамида тадқиқот олиб бордик. Тадқиқотда 300 дан ортик талаба иштирок этди.

“Сизга жамоат ишларида иштирок этиш ёқадими, унинг қиммати нимада?” - деган саволга олинган ёзма жавоблардан шуни кўриш мумкинки, талабаларнинг ярмига якини жамоат ишларида иштирок этиш уларни қаноатлантиради, бажарилаётган ишлар уларнинг қизиқишларига мос келади.

Иштирокчиларнинг тўртдан бир кисми жамоат ишларида жалб этилмаётганликларини, номигагина топшириқ берилаётганини ва унинг бажарилиши назорат килинмаётганлигини кўрсатишган. Бу талабаларда жамоат ишларида иштирок этишга мойиллик бор. унинг моҳиятинн тушунади, лекин улар мададга, кўмакка муҳтож.

Қолган талабалар бу саволга жавоб бермадилар. Суҳбат жараёнида шу нарса аён бўлдики, улар жамоат ишларида иштирок этмайдилар, унинг аҳамиятини ҳис этмайдилар.

“Жамоат ишлариии бажаришда кандай кийинчиликларга дуч келдингиз ва уни кандай бартараф этдингиз?” саволига кўпчилик вақтини етишмаслигини, ўкиш ва жамоаг ишларини биргаликда олиб бориш кийинчилини кўрсатишган. Баъзи талабалар эса жамоат топшириқларини бажаришда тажриба ва малакаларнг етишмаслигини кайд килган.

Биринчи курс талабалари жавобларидан шу нарса аён бўлдики, уларниг кўпчилиги жамоат ишларини кандай олиб боришни, уни муваф- факиятли бажариш йўлларини билмайдилар.

Иккинчи курс талабаларининг ёзишича, кўп ҳолларда талабанинг шахсий

қизикишлари, кобилиятлари хисобга олинмасдан жамоат ишларига жалб этилади. Бу эса ўз навбатида ишларнинг муваффакиятсиз тугашига сабаб бўлали.

МУҲОКАМА

Билдирилгаи фикр-мулохазалардан шундай хулосага келиш мумкинки, талабаларни жамоат ишларига жалб этишда, аввало, ўқув фаолиятининг шарт-шароитларини ва уларнинг жамоат ишларидаги фаоллигини ошириш максадида уларниг кизикиш иа қобилиятларини билиш керак экан.

Талабалар хаётиниг энг мухим томоилларидан бири олийгохдан ташкаридаги ранг-баранг ижтимоий фаолиятидир. Шундай фаолият турларидан бири педагогик амалиётдир. Амалиёт ўкув тарбия жараёнининг мухим кисми хисобланиб, у куйидаги мақсадларни амалга оширишга йўналтирилган:

- Максад кўя олиш малакаларини эгаллаш, якка ва хамкорликда ишлаш вазифаларини шакллантириш;
- Назарий билимларни мустаҳкамлаш ва уларни амалиётда кўллаш;
- Амалий масалаларни ечиш кўниикмаларини ўрганиш;
- Касбий сифатлар, дунёқарашни шакллантириш, касбий маданиятни эгаллаш;

Таълим муассасалари амалиёт базаси хисоблаиади. Қўйилган мақсадни амалга ошириш учун куйидаги вазифалар бажарилади:

- Таълим муассаси фаолиятини ўрганиш, рахбарияти билан танишиш;
- Синф ва синфдан ташқари олиб бориладигаи ўкув, тарбиявий ишлар режалари билан танишиш;
- Синф ва синфдан ташкари олиб бориладиган ўкув ва тарбиявий ишларни кузатиш, тахлил килиш ва уларни олиб бориш малакаларини шакллантириш;
- Ўкув, илмий, услубий адабиётлар билан ишлашни ўрганиш;
- Дарс ўтиш, синфдан ташкари тадбирлар уюштириш;
- Ўкувчилар билан мулоқатда бўлиш усулляриии шакллантириш;
- Маълумотларии тингловчига етказа олиш, нутққа эътибор бериш.

Педагогик амалиёт жараёнида талабаларнинг олган назарий билимлари чукурлашиб ва мустахкамланибгина колмай, балки улардаги педагогликка бўлган малака ва кўникмалари такомиллашади.

Педагогик амалиёт даврида талаба ўқув- тарбия жараёнининг турли томонларини кузатади, тахлил килади, дарс боришни ўрганади, ўкувчилар билан тарбиявий ишларни олиб боради, мустакил синф ва синфдан ташқари машғулотларни ўтказади. Тажрибали ўқитувчиларнинг дарсларини назорат ва

тақлил килиш, ўқитувчи сифатида дарс ўтиш, турли тадбирлар ўтказишда иштирок этиш- уларда аввало, маъсулият хиссини, шу билан бирга ташкилотчилик кобилиятлариниг шаклланишига ёрдам беради.

Ўтказилган тадкикот шуни кўрсатадики, факультет жамоасининг тотув ва муваффақиятларида, талабаларнинг ҳар томонлама ривожланишига ижобий таъсир киладиган академ гурухларда иш кай даражада ташкил этилганлиги мухим рол ўйнар экан.

Академ гурухлар таркибини ўрганиб, жамоат ишларидаги фаоллигига караб, уларни гурухларга ажратиш мумкин:

1. Жамоат ишларида фаол иштирок этадиган, кизикиш ва ташкилотчилик кобилияти бор бўлган талабалар;

2. Айрим жамоат топшрикларини, аммо ижтимоий фаолият кўникмалари йўк талабалар;

3. Жамоат ишларида катнашмайдиган ва бунга характеридаги пассивликни сабаб килиб кўрсатувчи талабалар;

4. Топшириқ берилмайдиган, топширик берилсада, уни уддалай олмайдиган талабалар.

Академ гурухлардаги ишларни ўрганиб, ҳолатини тахдил килиб, талабаларда ижтимоий фаолликни шакллантириш жамоат ишларида иштирок этишга кизиктириш, уларда ўз-ўзини бошкариш, ташкилотчилик кобилиятларини, мустакиллик ва ижодий ёндошиш сифатларини ривожлантириш учун махсус дастур ишлаб чикилади.

Иш бир канча боскичларда олиб борилди.

Биринчи боскичда асосий эътибор- жамоат топшрикларини аниқ белгилаш ва тақсимлаш, вазифанинг умумий ва хусусий томонларинн тушунтиришга ҳамда, талабаларнинг дарсларга катнашишини ўрганишта қаратилди.

Иккинчи босқичда илғор ўкитувчилар, олимлар билан учрашувлар ташкил этиб, аниқ далиллар асосида сухбатлар ўтказилди, деворий газеталар чиқарилди, ўқитувчи фаолияти хакида бахс-мунозаралар уюштирилди, ота-оналар билан алока ўрнатилди.

Бу жараён дастлаб ўкитувчилар томонидан шакллантирилган бўлса, кейинчалик асосий ишлар талабалар томонидан олиб борилди. Ишнинг бу даражада ташкил этилиши натижасида, талабаларда жамоат ишлари ва уларда қатнашиш хамда ўзининг ташкилотчилик қобилиятини кўрсатишга интилиш пайдо бўлганлигини кўриш мумкин.

Учинчн босқичда олиб борилган ишлар талабалар учун мухим аҳамият

касб этади. Бу боскичда талабалар жамоанинг топшириғи сифатида Ўзбекистоннинг мустакиллик йилларида иктисодий фан, маданият, спорт соҳасида эришган муваффақиятлари ҳақида маълумотлар тўпладилар.

ХУЛОСА

Бу иш жараёнида талабалар ўзи учун керакли бўлган билим ва малакаларга эга бўлдилар. Тўпланган материаллар асосида суҳбатлар, баҳс- мунозаралар ўтказилди, улардан амалий машғулот дарсларида фойдаланилди. Суҳбатлар жараёнида биз тўплаган манбалар уларнинг фаолияти натижаси эканлигининг гувоҳи бўлдик.

Бўлғуси мутахассисларда фаолликнинг шаклланиши ёшларимизда Ватанга мухаббат, ўзи танлаган касбни ардоклаш, сидкидилдан ва халол меҳнат қилиш руҳида тарбияланганлик самарасидир

REFERENCES

1. Majidov, J. (2020). Mustaqil ta’limda talabalarning bilimlarini rivojlantirishda axborot texnologiyalarining roli haqida. *Архив Научных Публикаций JSPI*, *1*(61).
2. Majidov, J. (2020). Роль и значение психолого-педагогических знаний в теоретической и практической подготовки будущего учителя. *Архив Научных Публикаций JSPI*, *1*(51).
3. Majidov, J. (2020). Амалиёт - фаолликни шакллантирувчи восита сифатида. *Архив Научных Публикаций JSPI*, *1*(46).
4. Majidov, J. (2020). Моделирование и размещение профессиональные образователььных учреждений на основе многоступенчатой системы. *Архив Научных Публикаций JSPI*, *1*(48).
5. Majidov, J. (2020). Pedagogical vocational guidance has its own specifics. *Архив Научных Публикаций JSPI*, *1*(4).
6. Majidov, J. (2020). Психическая деятельность и её структуры . *Архив Научных Публикаций JSPI*, *1*(67).
7. Majidov, J. (2020). Социально-философские основы инновационного развития высшего образования Узбекистана. *Архив Научных Публикаций JSPI*, *1*(46).
8. Majidov, J. (2020). О качествах, необходимых будущему учителю. *Архив Научных Публикаций JSPI*, *1*(52).
9. Majidov, J. (2020). Малака ошириш ва касбий тайёрлаш тизимида таълим технологиялари. *Архив Научных Публикаций JSPI*, *1*(61).

10. Akhmedov, B. A., & Khasanova, S. K. (2020). Public education system methods of distance in education in development of employees. *Journal of Innovations in Engineering Research and Technology*, *1*(1), 252-256.
11. Ахмедов, Б. А. (2020). Математические модели оценки характиристик качества и надежности программного обеспечения. *Eurasian Education Science and Innovation Journal*, *3*(10), 97-100.
12. Гулбоев, Н. А., Дуйсенов, Н. Э., Ахмедов, Б. А., & Рахманова, Г. С. (2020). Модели систем управления электрическими сетями. *Молодой ученый*, *22*(312), 105-107.
13. Мухамедов, Ғ. И., Ахмедов, Б. А. (2020). Инновацион “Klaster mobile” иловаси. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 140-145.